

## Каъбага ҳамла

05:55 / 27.09.2017 3662

Мўминлар онаси Умму Абдуллоҳ Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Бир тоифа аскарлар Каъбага ҳамла қилишади. Қачонки улар саҳроли ерга келишганида, аввалгилари-ю охиргиларини ер ютади”, дедилар. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг расули, уларнинг аввалги-ю охиргиларини қандай қилиб ер ютади? Ҳолбуки, уларнинг ораларида бозорчилар ва улардан бўлмаганлар ҳам бор-ку?!” десам, у зот: “Ер уларнинг аввалги ва охирларини баробар ютади. Сўнгра (Қиёмат куни) ниятларига мувофиқ тирилтирилади”, дедилар”.**

Муттафақун алайҳ. Бу лафз Бухорийники.